

• **4-МАВЗУ: СУВ ХЎЖАЛИГИДА МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ ВА ИШ ҲАҚИ**

• **РЕЖА:**

1. Сув хўжалигида меҳнатни ташкил этиш шакллари, тамойиллари ва вазифалари.
2. Меҳнатни такшил этишда ижара муносабатлари, меҳнат унумдорлиги тушунчаси ва уни оширишнинг аҳамияти.
3. Мелиорация ва сув хўжалигида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш усуллари.
4. Меҳнат унумдорлигини ошириш омиллари ва йўллари.
5. Сув хўжалигида иш ҳақи меъёрлари.

# **Мехнатни ташкил этиш шакллари, тамойиллари ва вазифаларн**

- Ишлаб чикариш кучларининг ривожланиши янги ишлаб чикариш муносабатларини юзага келишига сабабчи бўлади, ўз иқтисодиётини тиклаб олган ва маълум даражада моддий техника базасини яратаб билган ширкат ва фермер хўжаликларида доимий ишлаб чикаришнинг бирламчи бўгини сифатида ижарачилар ва оила (жамоа) пудратчилари ташкил этилиб, уларга иш бажарувчилар таркиби, ер ва бошка ишлаб чикариш воситалари, асбоб-ускуналар узок, муддатга бириктириб қўйилган ва шу воситалардан фойдаланишда мехнат жамоалари хамда айrim шахсларнинг жавобгарлиги ва манфаатдорлиги таъминланади.

# **Мехнатни ташкил этишнинг асосий вазифаларига қўйидагилар**

## **Киради:**

- мехнат ва иш жараёнларини шартнома асосида ташкил этиш;
- дехкончилик ва чорвачиликда иш жойларини ташкил этиш ва ишлаб чикариш воситалари билан ўз вақтида таъминлаш;
- ишлаб чикаришга янги ва илгор мехнат усулларини жорий этиш;

- кадрлар тайёрлаш, танлаш, жой-жойига қўйиш ва уларнинг малакасини ошириш;
- иш шароитларини яхшилаш, иш жойини сервис хизмати билан таъминлаш, иш ва дам олиш режимларини максадга мувофиқ ташкил этиш;
- мехнатни, ишлаб чикаришнинг технологик ва техникавий шароитига караб мефъёрлаш ва уни такомиллаштириш;

- ишлаб чикаришнинг пивовард натижасига караб иш хаки тўлаш ва моддий рагбатлантиришнинг янги шаклларини ишлаб чикаришга жорий этиш;
- меҳнатга онгли муносабатда бўлишга ўргатиш;
- корхонада, технологик ва мехнат интизомига катъий риоя килиш.

# Мехнатни ташкил этишда ижара муносабатлари

- Сув хўжалигида ишлаб чикиришнинг энг фаол унсури - инсон омилини фаоллаштирувчи ташкилий-иктисодий усулларни ишлаб чикиришга кенг жорий этиш талаб килинади.
- Шундай қилиганда гина иш бажарувчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишга кенг имконият яратилиб, ишлаб чикиришнинг иктисодий самарадорлигини кескин ошириш мумкин бўлади.
- Шунинг учун хам хозирги кунда сув хўжалиги корхоналарида ички имкониятлардан тўгри ва максадга мувофик фойдаланишга шароит яратиб берадиган ижара пурратини кенг ривожлантиришга аҳамият берилмоқда.

- **Ижара** - бу мулк ёлланмаси бўлиб, шартнома асосида, кишлок хўжалик корхоналари томонидан ер ва бошка ишлаб чикариш воситаларини иш бажарувчиларга узок муддатга, маълум тўлов асосида беришдир. Хозирги вақтда ижара икки хилда мавжуд: шартнома асосида тузиладиган ижара ва эркин ижара.

- **Шартномавий ижара** деб ижарачи билан маъмурият ўртасида ер ва бошка ишлаб чикариш воситаларини махсулот ишлаб чикариш ва унга эгалик килиш, материал ва пул ресурслари билан таъминлашни шартнома асосида амалга оширишга айтилади.
- **Эркин ижара** деб ижарачи корхонага карашли булган ерда, ўз меҳнати ва ишлаб чикариш воситалари ёрдамида махсулот ишлаб чикариш ва реализация килишни мустакил амалга оширишига айтилади.
- Аммо шуни алоҳида таъкидлаш жоизки чет мамлакатлардан фарқли ўлароқ Ўзбекистон Республикасида сув хўжалиги тизимида ижара муносабатлари ривожланмаган. Аслида эса ижара муносабатлари меҳнат жамоаларини янада серунум ишлашга ундейди.

- **Мехнат жамоаси** деб, хар бир кишлок хужалик корхонаси ва унинг бўлинмалари ичидаги бўгинларда ва бошка гурухдаги ходимлар билан уларга хизмат кўрсатувчилар ўртасида шартнома асосида биргаликда иш юритувчи гурухга айтилади. Мехнат жамоалари ёки пудратчиларнинг ишини ташкил этишда маълум қоидаларни ўз ичига олувчи шартларга катъий амал килиш талаб этилади.

# Шартномада қуидагилар кўрсатилиди:

ижарага берувчига тўланадиган ижара хаки ва бошка тўловлар хамда уларни тўлаш муддатлари;

икки томонлама кабул килинадиган шартнома талабарини бузганлиги учун кўриладиган моддий жавобгарлик шартлари

ижарага бериладиган ер майдони ва ишлаб чикириш воситаларининг турлари;

ем-хашак, ёш моллар, уругликлар, таъмирлаш ва транспорт хизматларини бажариш учун бериладиган қарзлар микдори ва шартлари;

моддий-техника ресурслари билан таъминлашни ташкил этиш;

сотиладиган махсулотлар хажми, муддати, нархлари ва сотиш тартиби;

шартномада кўрсатилганидан ортикча этиширилган махсулотларни сотиш тартиби;


# Мелиорация ва сув хўжалигининг юқори механизациялашган ишлаб чиқариш шароитида кадрларнинг ролининг муҳимлиги


ишлаб чиқариш воситаларини махсус тайёргарлик ўтган кадрлар ўзлаштирилиши мумкин

мураккаб гидротехника иншоотлари, ҳамда машиналар бирлиги қувватининг ошиши ишлатиш жараёнини мураккаблаштиради ва юқори малакали ходимларни талаб этиади

мехнат воситаларидан фойдаланишда кадрлар малакаси даражаси ва уларни тўғри жойлаштирилиш зарур

# Сув хўжалиги ишлаб чиқариш ташкилотлари ва корхоналари кадрлари





- Меҳнат унумдорлиги деганда, битта ходимнинг бир вақт бирлиги (соат, смена, ой, чорак, йил) давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмининг микдори (натурал, натурал-шартли, қиймат, меҳнат) ёки бир маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга сарф қилинган вақт бирлиги билан ўлчаниши тушунилади.



# Меҳнат унумдорлиги

меҳнат унумдолиги ҳамиша битта банд бўлган ходимнинг ўртacha меҳнат натижасини ифодалайди, шу туфайли унда битта ходимга тўғри келиши ўз аксини топган.

ҳар бир ходимнинг меҳнат натижаси маълум бир вақт бирлигida бажарилган бўлиши керак, шунинг учун ходимларнинг маълум бир вақт бирлиги (соат, смена, ой, чорак, йил) олинган.

шу вақт давомида ҳар бир ходим ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмининг ўртacha микдори олинади, мазкур кўрсаткич соҳага қараб турли номланиши ва ўлчамда қўлланилиши мумкин, шунинг учун маҳсулот, иш, хизмат тушунчалари киритилган.

айнан мазкур ҳажм кўрсаткичлари турли ўлчамларда, хусусан натурал, натурал-шартли, қиймат, меҳнат кўрсаткичлари шаклида бўлиши мумкин, шу туфайли ушбу масалалар ҳам таърифга худди шу ҳолатда киритилган.

меҳнат унумдорлиги яна бошқача тарзда ҳам аниқланиши ва баҳоланиши мумкин, бунда бир маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга сарф қилинган меҳнат бирлиги олинади.

# Мәхнат унумдорлигини ҳисоблаш

Натурал  
күрсаткичлар

Шартли-натурал  
күрсаткичлар

Пул (қиймат)  
күрсаткичлар

# **Меҳнат унумдорлигини ҳисоблашда қўлланиладиган кўрсаткичларниг ўлчовлари**

<b>Т/ р</b>	<b>Кўрсаткичларниг номи</b>	<b>Кўрсаткичларниг ифодаланиши</b>
<b>1.</b>	Натурал кўрсаткичлар	Тонна, метр, дона, гектар кабилар.
<b>2.</b>	Шартли-натурал кўрсаткичлар	Тонна/километр, одам/кунлар, одам/соат ва ҳ.к.
<b>3.</b>	Пул (қиймат) кўрсаткичлари	Сўм, минг сўм, миллион сўм, миллиард сўм ва ҳ.к.
<b>4.</b>	Меҳнат кўрсаткичлари	Бир бирлик маҳсулотга сарф қилинган меҳнат (ходимлар сони, иш вақти кабилар)

# Сув хўжалиги корхоналарида қўлланиладиган мехнат унуморлиги кўрсатикчлари

- 1. Сув хўжалиги корхонларида банд бўлган битта ходимга тўғри келадиган ишлаб чиқарилган маҳсулот (ирригация ва/ёки мелиоратив тадбир) ҳажми.
- 2. Сув хўжалиги корхонасида бевосита ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлган ходимларга тўғри келадиган ишлаб чиқарилган маҳсулот (ирригация ва/ёки мелиоратив тадбир) ҳажми.
- 3. Ишлаб чиқарилган маҳсулот (ирригация ва/ёки мелиоратив тадбир) бирлигига тўғри келадиган ходимларнинг умумий сони.
- 4. Ишлаб чиқарилган маҳсулот (ирригация ва/ёки мелиоратив тадбир) бирлигига тўғри келадиган умумий иш вақтининг микдори.
- 5. Ишлаб чиқарилган маҳсулот (ирригация ва/ёки мелиоратив тадбир) бирлигига тўғри келадиган ходимларга тўланган иш ҳақининг умумий микдори.

# Сув хўжалиги корхоналарида меҳнат унумдорлигини аниқлаш формуласи ва уларнинг мазмуни

## Кўрсаткичлар

**1. Корхонада банд бўлган битта ходимга тўғри келадиган сотилган (ишлаб чиқарилган) маҳсулот ҳажми**

**2. Корхонада бевосита ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлган ходимларга тўғри келадиган сотилган (ишлаб чиқарилган) маҳсулот ҳажми**

**3. Сотилган (ишлаб чиқарилган) маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ходимларнинг умумий сони**

**4. Сотилган (ишлаб чиқарилган) маҳсулот бирлигига тўғри келадиган умумий иш вақтининг миқдори**

**5. Сотилган (ишлаб чиқарилган) маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ходимларга тўланган иш ҳақининг умумий миқдори**

## Аниқланиш формулалари

$My = Q : Ry$  ;  
 $My$  – меҳнат унумдорлиги;  
 $Q$  – сотилган (ишлаб чиқарилган) маҳсулот ҳажми;  
 $Ry$  – умумий ходимларнинг ўртача сони

$Muiш = Q : Ryuш$  ;  
 $Muiш$  – ишчи ходимларнинг меҳнат унумдорлиги;  
 $Q$  – сотилган (ишлаб чиқарилган) маҳсулот ҳажми;  
 $Ryuш$  – ишлаб чиқаришда банд ходимларнинг ўртача сони

$Qm = Ry : Q$  ;  
 $Qm$  – сотилган (ишлаб чиқарилган) маҳсулотнинг ходимлар бўйича меҳнатлилиги

$Qiv = Iyu : Q$  ;  
 $Qiv$  – сотилган (ишлаб чиқарилган) маҳсулотнинг иш вақти бўйича меҳнатлилиги;  
 $Iyu$  – умумий ходимлар иш вақтининг миқдори

$Qix = Ix : Q$  ;  
 $Qix$  – сотилган (ишлаб чиқарилган) маҳсулотнинг иш ҳақи бўйича меҳнатлилиги;  
 $Ix$  – умумий ходимлар иш ҳақининг умумий

# Сув хўжалиги корхонларида меҳнат унумдорлигининг ошиши



- Вақт билиги мобайнида кўрсатилган ирригация ва/ёки мелиоратив тадбирларнинг сифати ўзгармаган ҳолда ҳамни ошиши;
- Вақт билиги мобайнида кўрсатилган ирригация ва/ёки мелиоратив тадбирларнинг ҳажми ўзгармаган ҳолда сифатини ошиши;
- Олиб бориладиган ирригация ва/ёки мелиоратив тадбирлар меҳнат сарфининг қисқариши;
- ирригация ва/ёки мелиоратив тадбирлар таннархидаги меҳнат сарфлари улушини камайиши;
- ирригация ва/ёки мелиоратив тадбирлар ўтказилиши ва вақтининг қисқариши;
- фойда ҳажми ва меъёрини ошиши.

● Мехнат унумдорлигини ошириш муаммосини :

- биринчидан, маҳсулот бирлигига жонли мехнат сарфини тежаш нуқтаи назаридан;
- иккинчидан, маҳсулот бирлигига жонли ва ўтмиш мехнат сарфини тежаш, яъни ижтимоий мехнат нуқтаи назаридан ошириш керак.

# Мехнат унумдорлигини ўстириш омиллари



# Иш ҳаки

Иш ҳаки миллий даромаднинг бир қисми бўлиб, ходимлар ўртасида меҳнат миқдори ва сифатига қараб тақсимланади. Меҳнатга кўра ҳак тўлаш принципи меҳнатни меъёрлаш, тариф тизими, ҳак тўлаш шакл ва тизимлари орқали амалга оширилади. Меъёрлаш воситасида ишлаб чиқариш меъёрлари, вакт меъёрлари, хизмат кўрсатиш меъёрлари белгиланади ижтимоий ишлаб чиқаришда ҳар бир ходим сарфлаган меҳнат миқдорини ўлчаш ва баҳолаш амалга оширилади. Меъёрлаш меҳнатнинг зарур меъёрини белгилаб, тақсимот меъёрини яъни иш ҳаки меъёрини ҳам белгилайди. Тариф тизимига тариф малака справкалари, тариф сеткалари ва тариф ставкалари киради. Сув ва қишлоқ хўжалигида соатлик ва кунлик тариф ставкалари қўлланилади.



Мехнатга ҳақ тўлашнинг ишбай шакли меҳнатни тўла ва аниқ ҳисобга олиш мумкин бўлган жойлардаги ишларда қўлланилади. Сув хўжалиги қурилишида ишбай ҳақ тўлашда ишчиларнинг 80% ишлайди. Вақтбай ҳақ тўлаш ишлаб чиқариш меъёрларини белгилаш қийин ва мақсадга мувофиқ бўлмаган жойларда қўлланилади. Мехнатга вақтбай ҳақ тўлаш бошқариш ва машина ҳамда механизмларга хизмат кўрсатиш, техникани ва сугориш тизимини ремонт қилиш ходимларга жорий қилинади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ

**МЕҲНАТГА ҲАҚ ТҮЛАШНИНГ ЯГОНА ТАРИФ СЕТКАСИНИ ЯНАДА  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТҮҒРИСИДА**

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш түғрисида» 2009 йил 8 июлдаги ПФ-4119-сон **Фармонини** бажариш юзасидан ҳамда иш ҳақининг рағбатлантирувчи аҳамиятини янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:
- 1. Белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасига асос қилиб олинсин ва янги тариф коэффициентлари **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.
- (1-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 11 январдаги б-сонли **қарори** таҳририда — ЎР ҚХТ, 2012 й., 2-сон, 17-модда)
- 2. Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш түғрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон **қарорига 1-илова** (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 12-сон, 64-модда) **2-иловага** мувофиқ таҳирда баён қилинсин.
- 3. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг **3-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
- 4. Ушбу қарор 2009 йил 1 августдан бошлаб кучга киради.
- 5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

# МЕХНАТГА ҲАҚ ТҮЛАШНИНГ ЯГОНА ТАРИФ СЕТКАСИ

Мехнатга ҳақ түлаш разрядлари	Тариф коэффициентлари
1	2,476
2	2,725
3	2,998
4	3,297
5	3,612
6	3,941
7	4,284
8	4,640
9	4,997
10	5,362
11	5,733
12	6,115
13	6,503
14	6,893
15	7,292
16	7,697
17	8,106
18	8,522
19	8,943
20	9,371
21	9,804
22	10,240

- МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ
  - ТАРИФЛИ ТИЗИМИ

### Тарифли тизимнинг элементлари

- Тарифли тизим - меҳнат шароитлари ва унинг оғирлиги, ишларни бажаришнинг табиий иқлим шароитлари, меҳнатнинг жадаллиги ва хусусияти инобатга олинган ҳолда, меҳнатга ҳақ тўлашни табақалаштиришни таъминлашда фойдаланиладиган меъёрлар мажмуидир.

Куйидагилар меҳнатга ҳақ тўлашнинг тарифли тизимини ташкил этувчи асосий элементлар ҳисобланади:

- тариф ставкалари ва сеткалари,
- тариф коэффициентлари,
- ишчиларнинг иш ва касб малакавий-тариф маълумотномалари, хизматчилар лавозимларининг малакавий маълумотномалари,
- одатий бўлмаган меҳнат шароитларда ишлаганликлари учун устама ва бошқа қўшимча ҳақлар.

# Тариф ставкалари ва сеткалари


Тариф ставкаси - бу бир бирлик иш вақти учун тўланадиган, пул шаклида ифодаланган меҳнатга ҳақ миқдори. :Ишчиларга меҳнат ҳаки тўлашда қўлланиладиган тариф ставкаси - бу бир бирлик вақт (соат, кун, ой) давомида бажарилган маълум мураккабликдаги меҳнат учун мукофот миқдоридир. Бажарилаётган ишнинг мураккаблийк кўрсаткичи бўлиб разрядлар ҳисобланади ва улар асосида у ёки бу иш турига тариф белгиланади. Шу вақтнинг ўзида разряд ишчининг малакаси кўрсаткичи вазифасини ҳам ўтайди. Меҳнатга ҳақ тўлаш ҳар доим бажарилган иш разрядига асосан амалга оширилганлиги учун, ишчи томонидан бажарилаётган иш разряди ошиши билан унинг меҳнат ҳаки миқдори ҳам ортиб боради.

ЎзР Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги ПҚ-1675-сон Қарорига асосан тариф сеткасидаги 0-разряд бекор қилиниб, 2012 йил 1 январдан бошлаб бир ойга ҳисобланадиган иш ҳаки Ягона тариф сеткасининг 1-разрядидан кам бўлмаган миқдорда белгиланиши лозим. 1-разряд учун тариф коэффициенти - 2,476 ни ташкил қиласди. Бу тариф ставкаси ишчидан ҳеч қандай малака талаб этмайдиган, энг оддий турдаги меҳнатга ҳақ тўлаш учун қўлланилади.

**O'zbekiston Respublikasi bo'yicha o'rtacha oylik nominal hisoblangan ish haqi**  
 (yanvar-mart; qishloq xo'jaligi va kichik tadbirkorlik  
 sub'ektlaridan tashqari, ming so'm)

	<b>2017 yil</b>	<b>2018 yil</b>	<b>O'sish sur'ati, %</b>
<b>O'zbekiston Respublikasi</b>	<b>1288,9</b>	<b>1548,3</b>	<b>120,1</b>
Qoraqalpog'iston Respublikasi	1236,6	1531,6	123,9
<i>viloyatlar:</i>			
Andijon	1165,0	1426,1	122,4
Buxoro	1280,8	1452,4	113,4
Jizzax	1153,9	1351,9	117,2
Qashqadaryo	1203,4	1387,2	115,3
Navoiy	1786,7	2118,8	118,6
Namangan	1031,7	1223,9	118,6
Samarqand	1070,8	1234,8	115,3
Surxandaryo	1059,8	1266,7	119,5
Sirdaryo	1121,8	1342,6	119,7
Toshkent	1361,3	1686,7	123,9
Farg'ona	1105,2	1285,7	116,3
Xorazm	1077,3	1288,1	119,6
Toshkent sh.	1693,1	2129,9	125,8


**Hududlar bo'yicha o'rtacha oylik nominal hisoblangan ish haqi**  
(2018 yil yanvar-mart, respublikadagi o'rtacha oylik ish haqiga nisbatan, % da)



**O'rtacha oylik nominal hisoblangan ish haqi miqdori va o'sish sur'ati**  
 (2018 yil yanvar-mart, qishloq xo'jaligi va kichik tadbirkorlik  
 sub'ektlaridan tashqari)



## O'ZBEKISTONDA ENG YUQORI ISH HAQIGA EGA TOP 5 SOHA



### Eng yuqori ish haqi to'lanadigan sohalar



## • Фойдаланиладиган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Т., Ўзбекистон, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Тошкент, Ўзбекистон, 2017. – 104 б
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент, Ўзбекистон, 2017. - 48 б.
4. А.С.Султонов, С.Хўжаев, Д.Минин. «Суғориладиган ерлар сув хўжалиги экономикаси». Тошкент «Меҳнат», 1989.
5. А.Абдуғаниев, А.А.Абдуғаниев. «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти». Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, Тошкент. 2004.
6. Ф.К.Каюмов. Эффективность АПК в условиях перехода к рынку. Москва, ИПО. «Полигрон», 1992.
7. А.С.Султонов, З.Я.Худойберганов, С.А.Қўчкорова «Сув хўжалиги иқтисодиёти». Тошкент 2007.